

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**597** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомининг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 36, 62 ва 2013-34-сон қарори (рўйхат рақами 2499, 2013 йил 8 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 32-сон, 435-модда) билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркор-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

лик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомининг 6-бандидаги «туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси» деган сўзлар «тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 15 июнь,  
137-сон

**Г. САИДОВА**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 15 июнь,  
84-сон

**Б. ХОДЖАЕВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2017 йил 15 июнь,  
2017-31-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

*Келишилган:*

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

*2017 йил 13 июнь*

**А. ШАЙХОВ**

**«Маҳалла» хайрия  
жамоат фонди раиси**

*2017 йил 13 июнь*

**Ш. ЖАВЛАНОВ**